

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛТИНСОЙ
ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ
БЎЛИБ ЎТДИ Бугун, 13 декабрь куни
Олтинсой туман ҳокимлигининг
мажлислар залида халқ
депутатлари туман Кенгашининг 7-
чақириқ 3-сессияси бўлиб ўтди.**



Сессияда “Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан ажратилган ва ишлатилмай қолган маблағни туман маҳаллий бюджетига қайтариб олиш ва ажратиш тўғрисида”, “Халқ депутатлари туман Кенгашининг жорий йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан ажратилган ва ишлатилмай қолган маблағни туман маҳаллий бюджетига қайтариб олиш ва ажратиш тўғрисида”ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Маърузалар юзасидан музокарага чиққан депутатлар М.Қаршиев, Ҳ.Товашаров, Ю.Қурбонниёзов, Ж.Жабборов, Ю.Ҳакимов, И.Бозоров ва М.Хўжановлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.